ШАРТНОМА № 6

**2022 йил "6" январь** **Нурота шахри.**

"Нурота Мини ВЭБ" о/к (бундан буён
(ташкилот номи ва манзили)

**"Таъминотчи"** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Б. Эргашев хамда иккинчи томондан
(ф.и.ш)

Нурота "Шукуввойт" ЧДУ (бундан буён
(ташкилот номи ва манзили)

**"Истеъмолчи"** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Ш. Жоров ушбу шартномани куйидагича туздилар:
(ф.и.ш)

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича **"Таъминотчи"** **"Истеъмолчи"** нинг буюртмасига асосан белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради.
**"Истеъмолчи"** эса озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган тартибда қабул қилиб олади.
1.2 **"Таъминотчи" ва " Истеъмолчи"** учун:
( озиқ-овқат махсулотларининг тури,ҳажми,нархи)

| Т\р | Озиқ-овқат махсулотларининг тури | Ўлчов бирлиги | Хажми (микдори) | Нархи | Без НДС ставка | Без НДС сумма | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | кефир | литр | 500 | 6700 | X | X | 3350 000 |
| 2 | колбаса | кг | 40 | 24000 | X | X | 960 000 |
| 3 | | | | | X | X | |
| 4 | | | | | X | X | |
| 5 | | | | | X | X | |
| 6 | | | | | X | X | |
| 7 | | | | | X | X | |
| 8 | | | | | X | X | |
| 9 | | | | | X | X | |
| 10 | | | | | X | X | |
| 11 | | | | | X | X | |
| 12 | | | | | X | X | |
| 13 | | | | | X | X | |
| 14 | | | | | X | X | |
| **Жами:** | | | | | | | 4310 000 |

Сумма: Тўрт миллион уч юз ўн минг сўм

## II .ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**"Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:**
2.1.Шартноманинг **1.2** бандида кўрсатилган миқдордаги ва сифатдаги озиқ-овқат маҳсулотларини **"Истеъмолчи"** га юк хати билан топшириш.
2.2.Агарда шартнома шартларига мувофик деб топилса, маҳсулотларни ташиб бериш.
**"Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:**
2.3.Озиқ-овқат махсулотларини **1** соат муддатда кўздан кечириш.Махсулотларни мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган такдирда, **"Истеъмолчи" озиқ-овқат** махсулотларини қабул қилмайди.
2.4.Озиқ-овқат махсулотларини қабул қилганлиги тўғрисида ҳар ҳафта якуни билан **1** та ишонч қоғози билан расмийлаштириш мажбуриятларини олади.
2.5. Шартномада белгиланган тартибда озиқ-овқат махсулотлари хақини тўлайди.

## III.ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси Тўрт миллион уч юз ўн минг — сумни
(сумма сўз билан ёзилади)
ташкил этиб сўмда хақ тўланади.
3.2. Мазкур шартнома бўйича хисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 % тулаш ва маҳсулот кабул килинган пайтдан бошлаб 3 кун ичида колган қисмини тўлаш йўли билан амалга оширилади.
3.3. "**Таъминотчи**" нинг айби билан **"Истеъмолчи"** озиқ-овқат махсулотларини кўздан кечириш имкониятига эга булмаса,озиқ-овқат махсулотларини ҳақини тўлашни кечиктиришга хакли.

## IV.МАХСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1.Озиқ-овқат махсулотларининг тасодифан нобуд бўлиши махсулотни топширилган пайтдан бошлаб **"Истеъмолчи"** га ўтади.
4.2.Озиқ-овқат махсулотларини топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар **"Таъминотчи"** сифатига кафолат беради .
4.3 **"Истеъмолчи"** махсулотларни қабул қилиб олишда махсулот миқдорининг камлиги,

**V.ШАРТНОМА БАЖАРИШ МУДДАТИ.**

5.1.Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб ғазначилик булимида руйхатдан утгандан кейин конуний кучга киради ва
амал килиш муддати 31.01______202_ йилгача этиб белгиланади.

**VI.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1.Махсулотларини топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва **0.2%** микдорда жарима тўлайди:
6.2.Тўловни кечиктирилганлиги учун **"Истеъмолчи"** хар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг **0,2 %** микдорида, лекин ушбу сумманинг **50 %** дан ошмаган миқдорда тавон (пеня) тулайди.
6.3. Боқимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун хужжатларига мувофик белгиланади.

**VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ.**

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.
7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти булмаган такдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

**VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.**

8.1 Томонларнинг хохиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда ( Нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган ( етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган) лиги шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга

**IX.БОШКА ШАРТЛАР.**

9.1.Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофик ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат хўжалик судининг қарорига биноан бекор қилининиши ва ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган такдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин..
9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари узгарганлиги хакида бир - бирларини 3 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.
9.3. Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хақиқийдир.
9.4 .Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.
9.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

**ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

| | |
|---|---|
| **"Сотувчи".** | **"Харидор".** |
| Нурота Милк ВЭЙ о/к | **Нурота "Мурувват" уйи** (бюджетдан маблағ олувчи номи) |
| **Юридик манзилгох:** Нурота тумани | **Юридик манзилгох:** Нурота тумани Адизобод кишлоги |
| **ТЕЛ:** 93460-90-90 | **ТЕЛ:** 607-71-66 |
| ФАКС:________________ | **ФАКС:**________________ |
| | **ШХ/Р:** 1 000218601223871012040540001 |
| **Х/р:** .20208000605063926001 | **Бюджетдан маблағ олувчи ИНН:** 201150267 |
| **Банк номи:** Навоий ш Ипак йули банк | **ХХТУТ:** 91800 |
| **Банк коди(МФО):** 00207 | **Ғазначилик булинмаси номи:** Нурота |
| **ИНН:** 306306784 | **Ғазна х/в:** 23402000300100001010 |
| **ХХТУТ:** | **Банк номи:** Тошкент ш Марказий банк |
| | **Банк коди(МФО):** 00014 |
| **Рахбар** Д.Эшонкулов | **Рахбар:** Ш.Норов |
| ________________ (имзо) | ________________ (имзо) |
| М.У | М.У |

Юрист :________________________________________________

________________________________________________Ф.И.О.

М.У.

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Нурота"Мурувват уйи
директори
Ш.Норов

**Нурота "Мурувват" уйида парваришланаётган ногиронлар учун озиқ-овқат махсулотлари нархини аниқлаш бўйича танлов комиссиясининг 1-сонли йиғилиш Баённомаси**

"5" январ 2022 йил

Нурота "Мурувват" уйининг 05.01.2022 йилдаги №1-сонли буйруғи билан ташкил этилган танлов комиссиясининг аъзолари катнашдилар

| | | |
|---|---|---|
| Раиси: | Директор уринбосари: | Х.Джураев |
| Комиссия аъзолари: | Хўжалик мудири: | Л.Умаров |
| | Омбор мудири: | И.Мирзаев |
| | Хисобчи: | Н.Курбонов |
| | Аптекачи: | З.Рустамова |

**Кун тартибида:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-сентябрдаги ПҚ-3953-сонли карорига асосан давлат ва буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар,хизматлар) нинг рўйхатига асосан танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (ракобат) варакаси таққослаб кўрилди: «сўмда»

| № | Номланиши | Улчов бирлиги | Нурота Милк Вэй ок | "Хурсанд Хўжа" ф/х | Эргашбобо РМД фх |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Кефир | литр | 6700 | 6800 | 6900 |
| 2 | Қаймоқ | кг | 24000 | 25000 | 26000 |

Таққослаб кўриш натижасида комиссия аъзолари

**КАРОР КИЛИШДИ:**

1.Нурота "Мурувват" уйида парваришланаётган ногиронлар учун олинадиган озиқ-овкат махсулотлари қуйидаги таъминотчи нархида сотиб олинсин.

| № | **Таъминотчи** | **Нархларнинг солиштирма (рақобат) варақаси тартиб рақами ва бирлик ашё нархи (сўмда)** |
|---|---|---|
| 1 | Нурота Милк Вэй ок | Кефир-6700, Қаймоқ-24000, |

2. Танлов якунлари бўйича "Нурота Милк Вэй" ОК билан Сут махсулотлари олиш учун махсулотлари сотиб олиш учун 4 310 000 сўмга шартнома тузиш учун музокарага киритилсин.

,

Комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| Директор уринбосари: | Х.Джураев |
| Хўжалик мудири: | Л.Умаров |
| Омбор мудири: | И.Мирзаев |
| Хисобчи: | Н.Курбонов |
| Аптекачи: | З.Рустамова |